



31.10.2022 даги

Industry Finance Trade МЧЖ ва Кармана тумани Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 290978253,00 сўм  
умумий суммага тузилган 167501 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб

110

Шахсий газна ҳисобварак

401722860122347045204110007

сўмда

2022 й. ойлар номн.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4233100		
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь	290 978 253,00		290 978 253,00
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>290 978 253,00</b>		<b>290 978 253,00</b>

Жами. 290 978253,00 сўм

Икки юз туксон миллион туккиз юз етмиш саккиз минг икки  
юз эллик уч минг сум  
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 87293475,90 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Валиева Мухайё Рауфовна  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Валиева Мухайё Рауфовна  
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан низом асосида иш кўрувчи С.Садуллаев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "INDUSTRY FINANCE TRADE" МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи устав Мансуров Улуғбек иккинчи томондан Кармана туман Варқ МФЙ Сангбур кўчасини асалтлаштириш таъмирлаш ишлари буйича

#### I. ТАРАФЛАР

1.1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

#### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. Кармана туман Кармана туман Варқ МФЙ Сангбур кўчасини асафалтлаштириш таъмирлаш ишлари бўйича лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, (тендер) натижасида аниқланган ва Ободонлаштириш бошқармаси қарори (2022 йил " 27 " 10 № 167510 -сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиқимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **290 978 253** (Икки юз тўқсон миллион тўққиз юз етмиш саккиз минг икки юз эллик уч) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

6.4 Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

7.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказиши, бу **87 293 475,90** сўмни ташкил этади.

7.2 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

8.1 Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.2 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.4 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.5 Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.6 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.7 Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9 Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.10 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.12 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **X. КАФОЛАТЛАР**

10.1 Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.2 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **11.1 Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **11.2 Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3 Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15% фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

12.4 Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20%\_фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

14.8 Шартнома имзоланиб, Кармана тумани бўйича Ғазначиликдан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга кирази ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.

14.9 Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

- Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

15.1- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

15.2- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасиға қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

15.3 Томонда ушбу Шартноманинг талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасиға олади.

15.4 Ушбу шартнома ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Кармана туман ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилганда юридик кучға эға бўлади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

**INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ**

Навоий шаҳар

ТЕЛ: \_\_\_\_\_

Х/р 20208000900616838001

Банк номи **Анобанк АЖ**

Банк коди(МФО) **01183**

ИНН : **303 889 734**

ХХТУТ \_\_\_\_\_

КТУТ \_\_\_\_\_

Рахбар:



**У.Мансуров**

### БУЮРТМАЧИ

**Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси**  
Юридик манзилгоҳ; **Кармана туман**

ТЕЛ: **5325516**

ШХ/Р: **401722860122347045204110007**

Ташиқлот **СТИР. 203005619**

**ХХТУТ**

**КТУТ** \_\_\_\_\_

Ғазначилик бўлими: **Молия Вазирлиги**

**Ягона газна ҳисоб варағи**

Ғазначилик х/р: **23402000300100001010**

Банк номи **Тошкент ш. Марказий банк**

Банк коди(МФО) **00014**

Ғазначилик **СТИРи: 201132919**

Рахбар:



**С.Садуллаев**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

ZH0001404002

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo'jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "KARMANA TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" DAVLAT UNITAR KORXONASI tomonidan 31.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Karmana tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**D.D.ERGASHOVA**

31.10.2022



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 167501 на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог**

Способ проведения электронный

Дата 27.10.2022

Время рассмотрения 27.10.2022 14:29

Закупочная комиссия Кармана туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SADULLAYEV SANJAR SALOXIDDINOVICH	рахбар	1
<b>Секретарь комиссии</b>	VALIYEVA MUXAYYO RAUFOVNA	хисобчи	1
<b>Член комиссии</b>	TURG'UNOV ZAVQIDIN TULQIN O'G'LI	Механик	Кармана туман ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	TUXTAYEV MARDON NEMATOVICH	хўжалик ишлар мудири	1
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV XASAN FAYZULLAYEVICH	Йул буйича назоратчи	Кармана туман ободанлаштириш
<b>Член комиссии</b>	HAMDAMOV NURALI ODILOVICH	Булим бошлиги	Кармана туман ободанлаштириш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.10.2022 года № лота 167501.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Кармана тумани Варқ МФЙ Сангбур кўчаларини асфалтлаштириш жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	292 578 253.00
Стартовая сумма	292 578 253.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчиларга томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш талаб этилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчиларга томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш талаб этилади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	15	Ариза тақдим этилди	15	Экспертная		
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	15	15	10	Экспертная		
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	15	МАВЖУД	10	Экспертная		
RUBIN-KARMANA MCHJ	15	Молиявий курсаткичлари баланс ва молиявий натижалар	10	Экспертная		

Критерий №2 Ушбу хизматни бажариш учун тажрибага эга булиши ҳамда шу кунга кадар фаолияти тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу хизматни бажариш учун тажрибага эга булиши ҳамда шу кунга кадар фаолияти тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	15	Барча маълумотлар тақдим этилди	15	Экспертная		
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	15	15	15	Экспертная		
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	15	МАВЖУД	15	Экспертная		
RUBIN-KARMANA MCHJ	15	ишчи ходим	10	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчи кайта ташкил этиш, тугатш ёки банкротлик боскичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж мухокамаси холатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар буйича мажбуриятларнинг тулик ижро этганлигини тасдиқловчи қафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи кайта ташкил этиш, тугатш ёки банкротлик боскичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж мухокамаси холатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар буйича мажбуриятларнинг тулик ижро этганлигини тасдиқловчи қафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	20	Кафолат хати тақдим этилди	20	Экспертная		
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	20	20	15	Экспертная		
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	20	МАВЖУД	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
RUBIN-KARMANA MCHJ	20	солик маълумотнома	15	Экспертная		

Критерий №4 Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тулов шартлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тулов шартлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	20	Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тулов шартлари тугрисидаги маълумотлар тақдим этилди	20	Экспертная		
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	20	20	15	Экспертная		
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	20	МАВЖУД	15	Экспертная		
RUBIN-KARMANA MCHJ	20	молиявий ахволи	15	Экспертная		

Критерий №5 Таклифнинг техник қисми

Тип: Текстовое значение

Описание: Таклифнинг техник қисми

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	15	Таклифнинг техник қисми тақдим этилди	15	Экспертная		
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	15	15	10	Экспертная		
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	15	МАВЖУД	10	Экспертная		
RUBIN-KARMANA MCHJ	15	маълумотнома	15	Экспертная		

Критерий №6 Ухшаш хизматларни бажариш тажрибаси хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ухшаш хизматларни бажариш тажрибаси хақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	15	Ўхшаш ишларни бажарганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди	15	Экспертная		
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	15	15	10	Экспертная		
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	15	МАВЖУД	10	Экспертная		
RUBIN-KARMANA MCHJ	15	Бажарилган ишлар уч йиллик ва активодлар	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
RUBIN-KARMANA MCHJ	292 578 253.00	291 785 625.00 UZS	291 785 625.00	00.00	291 785 625.00	27.10.2022 12:30:02	9.25623
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	292 578 253.00	291 578 253.00 UZS	291 578 253.00	00.00	291 578 253.00	27.10.2022 00:29:45	9.26281
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	292 578 253.00	290 978 253.00 UZS	290 978 253.00	00.00	290 978 253.00	27.10.2022 00:05:26	9.28191
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	292 578 253.00	270 083 519.00 UZS	270 083 519.00	00.00	270 083 519.00	27.10.2022 10:28:53	10

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
RUBIN-KARMANA MCHJ	67.5	9.25623	76.75623
ООО "NEW TIMES BUILDINGS"	67.5	9.26281	76.76281
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	90	9.28191	99.28191
BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ	67.5	10	77.5

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 167501 от 27.10.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог определила победителем:

INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ  
303889734

и резервный исполнитель: BUNYODKOR SARDOR NAVOIY MCHJ (304508312)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SADULLAYEV SANJAR SALOXIDDINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURG'UNOV ZAVQIDIN TULQIN O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TUXTAYEV MARDON NEMATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV XASAN FAYZULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	HAMDAMOV NURALI ODILOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП